



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ БОШҚА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

Ёрматов Баҳодир Бўритошев

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси магистратураси
ТИНГЛОВЧИСИ

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7989750>

ARTICLE INFO

Received: 23th May 2023

Accepted: 30th May 2023

Online: 31th May 2023

KEY WORDS

Коррупция, коррупцияга қарши кураш, коррупцияга қарши курашда ҳамкорлик, ички ишлар органлари, давлат органлари, жамоат ташкилотлари.

ABSTRACT

Мазкур мақолада коррупцияга қарши курашда ички ишлар органларининг бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги илмий жиҳатдан таҳлил қилиниб, мазкур йўналишда ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар баён қилинган.

Коррупция дунё миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган глобал муаммолардан биридир. Ушбу иллат ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Шу боис унга қарши кураш халқаро аҳамият касб этиб, жаҳон сиёсатининг муҳим масалалари қаторидан жой олган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (бундан кейин – БМТ) коррупциянинг олдини олиш ва буткул барҳам бериш — бу барча давлатларнинг вазифаси ва бу соҳадаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигини таъминлаш учун фуқаролик жамияти, ноҳукумат ташкилотлар ва жамоалар негизида фаолият юритаётган ташкилотлар каби оммавий сектор доирасидан ташқарида алоҳида шахслар ва гуруҳлар кўмаги ва иштирокида бир-бири билан ҳамкорлик қилишлари лозимлигини белгилаб берди.¹

Жаҳонда коррупцияга қарши курашиш бўйича мамлакатлар ўртасида тузилган рейтингга кўра, 2022 йил якуни бўйича баҳоланган 180 мамлакатларнинг 124 тасида коррупцияга қарши кураш тўхтаб қолган. 2012 йилдан буён, мамлакатларнинг CPI (Corruption Perception Index) бўйича натижаларини йилдан-йилга тўғри ҳисоблаш йўлга қуйилган давр ичида 25 та давлат муваффақиятга эриша олган, 31 та давлатнинг эса рейтинг баллари пасайган.²

Transparency International ташкилоти ўз ҳисоботида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга баҳо берар экан, 2017 йилга нисбатан 157 ўриндан Ўзбекистон рейтингда 2022 йилда 126 ўринга юқорилаган бўлсада, фуқаролик

¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши конвенцияси. Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь // URL: <https://lex.uz/docs/1461329>

² Transparency International: Corruption Perceptions Index // <https://www.transparency.org/en/cpi/2022>



жамияти вакиллари таъқибга учраётганлигини таъкидлаган.³ Статистик маълумотларга кўра Ўзбекистонда 2022 йил мабойнида коррупциоген жиноятлар оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 1 трлн. 12 млрд. сўм миқдоридида моддий зарар етказилган бўлиб, тергов жараёнида ушбу зарарнинг 847 млрд. сўми ундирилган.⁴

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар кутилган натижани бермаётганлиги мазкур йўналишда нафақат муайян давлат органлари, балки бутун жамият аъзолари ҳамкорликда иш олиб боришлари зарурати мавжуд. Хусусан, ички ишлар органларининг бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги ўта муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши ҳамкорликда кураш тизимини барпо этиш ва такмиллаштиришда кенг кўламли халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш, унга танқидий ёндошган ҳолда миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этиш лозим бўлади.

Таъкидлаш ўринлики, сўнги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш билан боғлиқ ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз” мавзусидаги марузасида “Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур”⁵, деб таъкидлаган эди. Шунга кўра, Республикаимизда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизми яратилган ҳолда 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди ҳамда шундан сўнг бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциянинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Миллий қонунчилигимизда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти белгиланган бўлиб, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширишлари назарда тутилган.

³ // URL: Transparency International <https://www.transparency.org/en/cpi/2022>

⁴ // URL: <https://ishonch.uz/archives/11195>

⁵ *Мирзиёев Ш.М.* Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз // URL: <https://uza.uz/uz/posts/erkin-va-farovon-demokratik-zbekiston-davlatini-mard-va-olizh-14-12-2016>



Бу соҳадаги янгиликлардан яна бири, ҳозирга қадар давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва мониторинг қилиш тизими мавжуд эмас эди. Шунга кўра, ушбу соҳада белгиланган вазифаларнинг сифатли бажарилишини мониторинг ва назорат қилиш, зарур ҳолларда давлат ташкилотларига услубий кўмак бериб бориш мақсадида 2022 йил 12 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан давлат органлари ва ташкилотлари томонидан соҳада амалга оширилаётган ишларни ягона мезон асосида баҳолаш тизими жорий этилиб, бунда Баҳолаш 29 та махсус индикаторлар асосида “E-Anticor.uz” электрон платформаси орқали амалга оширилиши белгиланди.⁶

Давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги коррупцияга қарши курашнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Ҳар бир давлат органининг ўзига хос вазифалари ва ваколатлари бор, лекин коррупцияга қарши кураш биргаликдаги саъй-ҳаракатларни талаб қилади. Давлат органлари ўзаро ахборот алмашиш ва ўз ҳаракатларини мувофиқлаштиришда ўзаро ҳамкорлик қилиши муҳим. Масалан, ички ишлар органлари коррупция жиноятлари бўйича далиллар тўплаши мумкин, суд эса айбдорларни жазолаши мумкин. Бироқ, бу органлар бир-бири билан ҳамкорлик қилмаса, уларнинг ҳеч бири ўз вазифаларини самарали бажара олмайди.

Хусусан, бугунги кунда терговга қадар тезкор-қидирув фаолиятини олиб борувчи ваколатли тузилмалар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга доир маълумотларни бошқа давлат органларининг электрон маълумотлар базаларидан олиш имкониятини тўлиқ мавжуд эмаслиги иш бўйича исботланиши талаб қилинадиган ҳолатлар қисқа муддатда ва ҳар томонлама текшириб чиқилишига тўсиқ бўлмоқда. Воҳалангки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-105-сон қарори билан “Электрон суриштирув ва дастлабки тергов” ягона ахборот тизими жорий қилинган бўлиб, бундан Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси, Давлат божхона қўмитаси ҳамда Миллий гвардиянинг суриштирув ва тергов органлари фойдаланиб келмоқдалар. Бироқ, ушбу тизимдан терговга қадар тезкор-қидирув фаолиятини олиб борувчи ваколатли тузилмаларга ҳам фойдаланиш имконияти яратилса, жиноятни тезкор ва тўлиқ фош этиш имконияти вужудга келади.

Бу эса, давлат органларининг маълумотлар базалари ўртасидаги алоқа интеграциясини таъминлашга, илғор технологиялар ва маълумотлар базаларидан самарали фойдаланишга олиб келади. Шу билан бирга, технология маълумотлар

⁶ Индикаторлар ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг мавжудлиги, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва минималлаштириш чораларининг кўрилганлиги, раҳбар ходимларнинг ҳалоллик бўйича шахсий намунаси, ходимларнинг хабардорлик даражаси, ташкилотнинг коррупцияга қарши ҳуқуқий тарғиботдаги фаоллиги каби бешта асосий йўналишлардаги турли кўрсаткичларни таҳлил қилиш имконини беради.



оқимини автоматлаштиришга, маълумотларни қайта ишлаш алгоритмлари шубҳали операцияларни аниқлашга ва одамлар ўртасидаги алоқаларни топишга ёрдам беради.

Турли давлат органларининг маълумотлар базалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг йўқлиги турли хил коррупцияга қарши кураш идоралари билан маълумот алмашишда дуч келадиган энг катта муаммодир. Блокчейн технологияси манфаатдор агентликлар учун мавжуд бўлган умумий маълумотлар базаси тизимини ишлаб чиқиш учун мос платформа бўлиши мумкин. Блокчейн тизими, шунингдек, бир шахс томонидан амалга оширилган, лекин турли компаниялар/шахслар томонидан рўйхатга олинган транзакцияларни идентификациялашни соддалаштириш орқали олинган маълумотларни бирлаштиришга ҳисса қўшиши мумкин.

Коррупция – мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноят. Коррупция фаолияти хуфёна иқтисодиётнинг асосий турларидан бири ҳисобланади. Аксарият ҳолларда коррупция деганда давлат амалдорлари томонидан шахсий манфаатларни кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида ўз мансабидан фойдаланиш, фуқаролардан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади.

Коррупцияга қарши курашда ички ишлар органлари асосий иштирокчилардан бири ҳисобланади. Бироқ, бошқа органларнинг ўзаро ҳамкорлигисиз коррупцияга қарши кураш етарли даражада амалга оширилмасдан, фақат қисман бўлиши мумкин. Коррупцияга қарши курашиш тизими кўплаб органларни ўз ичига олиши лозим ва уларнинг ҳар бири бунда ўз ҳиссасини қўшиши керак.

Ички ишлар органларининг бошқа органлар билан ҳамкорлиги коррупцияга қарши узоқ муддатли стратегиянинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ички ишлар органлари қонун устуворлигини таъминлаш учун масъул органдир ва шунинг учун улар коррупцияга қарши курашиш учун бошқа органлар билан алоқа қилишлари керак.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 03.01.20217 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сон Қонуни⁷ мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишда ички ишлар органларини бошқа давлат органлари билан ҳамкорлигини кучайтиришни янги босқичга олиб чиқди.

Мазкур қонун билан коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти белгиланган бўлиб, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширишлари назарда тутилган. Аммо, мазкур коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи органларнинг айрим вазифа (функция) ва ваколатлари бир-бирини такрорлаганлик ҳолатлари мавжуд.

Жумладан, ушбу қонуннинг 11-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари сифатида

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 03.01.20217 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сон қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/3088008>



“жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради” ҳамда “коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олинишини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади”, деб белгиланган ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари (9-модда), Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари (10-модда) билан деярли бир хил қилиб белгиланган.

Бу ҳолат мамлакатда коррупцияга қарши курашувчи давлат органларини самарали фаолият юритишига ва иш натижадорлигини оширишга ўзининг салбий таъсир кўрсатади. Сабаби бир хил, яъни бир-бирини такрорловчи вазифа ва функцияларни амалга оширувчи давлат органларида сансоларлик кайфиятининг пайдо бўлишига олиб келади. Оқибатда коррупцияга қарши курашиш жараёнларида ва уларнинг олдини олишда тўғри ечим топиш учун ортиқча вақт, куч ва ресурс сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев, “Биз ҳар қайси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бевосита ўз ваколати доирасидан чиқмайдиган, бир-бирининг функциясини такрор этмайдиган тизим шакллантиришимиз шарт. Лўнда қилиб айтганда, ички ишлар - жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш билан, миллий хавфсизлик - давлатни ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш билан шуғулланиши лозим. Прокуратура эса конунлар ижроси устидан назорат олиб бориши зарур. Судларнинг асосий вазифаси адолатни қарор топтиришдан иборат. Бунинг учун суд ҳар бир иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли қарор чиқариши лозим. Шу мақсадда ўтган бир йил мобайнида суд, прокуратура, ички ишлар органлари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширдик. Ушбу идораларнинг вазифалари аниқ белгиланиб, уларнинг фаолияти халқ манфаатларига хизмат қилишга йўналтирилмоқда. Лекин бу борада қабул қилинган қатор қонун, фармон ва қарорларимиз ҳаётга тўлиқ татбиқ этилди, дейишга, албатта, ҳали эрта”⁸, деб таъкидлаган эди.

Шу мақсадда қонунчиликда коррупцияга қарши бевосита курашувчи давлат органларининг вазифа (функция) ва ваколатлари алоҳида белгилаб, аниқ чегаралаш зарур. Шу билан бирга бу вазифа ва функциялар бир-бирини такрорламаслиги ҳам керак.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги шиддат билан ривожланаётган даврда жамиятда коррупцияга қарши курашиш ва энг муҳими коррупциянинг олдини олиш ишларини жадаллаштиришда давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилишлари муҳим саналади. Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш, фуқаролик жамияти институтлари сифатида фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш

⁸ Ш.М.Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Тошкент. “Ўзбекистон”. – 2018. – Б-110.



органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари билан ички ишлар органлари ўртасида ҳамкорликни замон талаблари даражасида ташкил этиш лозим бўлади.